



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 июль куни Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.



Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон

ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё ва Озарбайжон мамлакатлари ва халқларининг барқарор ривожланиши, иқтисодий тараққиёти, хавфсизлигини таъминлаш

ҳамда фаровонлигини юксалтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг аввалида норасмий саммитни ўтказиш ташаббуси ва Иссиқкўл соҳилидаги илиқ қабул учун



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга самимий миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ҳам Маслаҳат учрашувлари форматда самарали раислик қилаётгани учун ташаккур изҳор этилди.

Минтақа мамлакатлари мустақиллигининг 35 йиллик байрамларини нишонлаш арафасида ҳар бирининг давлатчилигини барпо этиш, иқтисодий ўсиш ва миллий тикланиш борасида эришган муваффақиятларига юксак баҳо берилди.

— Илгари тарқоқ бўлган Марказий Осиё бугунги кунда биргаликдаги сайёҳаракатларимиз натижасида тараққиётнинг умумий мақсадлари йўлида бирлашмоқда, — деди Президентимиз.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Садир Нурғожоевич! Хурматли давлат раҳбарлари! Қирғизистон Президенти хурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга норасмий учрашувимизни ўтказиш ташаббуси ва “қирғиз денгизи” — гўзал Иссиқкўл соҳилидаги илиқ қабул учун самимий миннатдорлик билдираман.

Икки кун давомида Қирғизистонда бўлар эканман, Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижалари менда катта таассурот қолдирди. Мамлакат иқтисодий ривожланиш бўйича юқори суръатларни намойиш этмоқда, унинг халқро нуфузи муттасил ошиб бормоқда.

Сизни ва қардош қирғиз халқини Қирғизистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси этиб сайлангани билан табриклаймиз.

Туркменистон Президенти Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга ҳам Маслаҳат учрашувлари форматада самарали раислик қилаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Хурматли учрашув иштирокчилари! Бугун биз давлатларимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрамларини нишонлаш арафасида йиғилиб турибмиз. Шу йиллар мобайнида ҳар бир мамлакат давлатчилигининг шаклланиши, иқтисодий ўсиш ва миллий тикланишининг ўзига хос ва бетакорор йўлини босиб ўтди.

Илгари тарқоқ бўлган Марказий Осиё бугунги кунда биргаликдаги сайёҳаракатларимиз натижасида тараққиётнинг умумий мақсадлари йўлида бирлашмоқда.

Шу билан бирга, мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган бугунги халқаро воқелик биздан янада қатъият билан ҳаракат қилишни ва янада яқин мувофиқлаштирувни талаб этмоқда.

Озарбайжоннинг Маслаҳат учрашувлари форматага қўшилиши ўзаро ҳамкорлигини шифат жиҳатидан янги — макроминтақавий даражага олиб чиқмоқда.

Биз учун Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва яқин қўшнимиз — Афғонистонни бирлаштирувчи ягона тараққиёт маконини шакллантириш борасида тарихий имконият очилмоқда. Ушбу вазиятдан тўлиқ фойдаланиб, биргаликдаги сайёҳаракатларимиз билан Евроосиёнинг қоқ юрагида барқарор ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва яхши қўшничилик учун мустаҳкам пойдевор яратишимиз зарур.

Хурматли ҳамкасблар! Минтақавий ҳамкорлиқнинг барқарор архитектурасини шакллантиришга ўтиш вақти келди. Унинг тузилиши ҳамкорлиқнинг самарали институтлари, тармоқ идораларининг яқин муносабатлари, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри алоқалари ҳамда ва ривожланишининг асосий йўналишларидаги узоқ муддатли қўшма дастурларга таяниши зарур.

Минтақамизнинг халқаро субъект сифатидаги маконини мустаҳкамлаш ҳолда давлатлараро ташкилотлар ва “Марказий Осиё плюс” форматлари доирасида ўзаро мувофиқлаштирувни кучайтириш лозим.

Савдо-иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш, узлуқсиз саноат-технологик занжирларни кенгайтириш, умумий рақамли хизматларни ривожлантириш ҳамда инвестиция платформаларини ишга тушириш бўйича келгуси қадамларни пухта ишлаб чиқиш лозим.

Марказий Осиё таълим, илм-фан ва катта маълумотлар соҳасида инновациялар бўйича рақобатбардош хабга айланиши керак. Бунга кадрлар салоҳияти, сунъий интеллект технологиялари, дата-марказлар ва энергетика қувватларини бирлаштирган яхлит инфратузилмани яратиш орқали эришиш мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар доим минтақавий кун тартибининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ягона табиий маконимизда юзага

келаётган таҳдидлар давлат чегараларини тан олмайди, шундай экан, уларга жавоб чоралари ҳам умумий бўлиши керак.

Жорий йилги ёзнинг аномал даражада иссиқ келиши иқлим ўзгариши алақачон иқтисодиёт, сув ва энергетика хавфсизлиги, одамларнинг саломатлиги ва ҳаёт сифатига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган омилга айланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Ана шундай янги хавф-хатарларга биргаликда мослашиш бўйича узоқ муддатли ечимларни топиш муҳимдир.

Ҳамкорлигимизнинг ўзгармас устувор йўналишлари орасида гуманитар алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Халқларимиз асрлар давомида ёнма-ён яшаган, савдо-сотиқни ривожлантирган, билим ва маданий анъаналар билан ўзаро алмашган.

Замонавий ҳамкорлик чуқурлашгани сари ҳамжиҳатлик туйғуси ҳам мустаҳкамланмоқда. Умуминтақавий ўзига хослик, халқларимизнинг миллий ўзлиги сақланган ҳолда босқичма-босқич шаклланимоқда.

Ишончим комил, ушбу соҳадаги ишларнинг моҳияти сифат жиҳатидан ўзгариши халқларимиз ўртасидаги бирлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниш туйғусини мустаҳкамлайди.

Азиз дўстлар! Ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича бугун айтиб ўтилган ташаббус ва тақлифларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев ва бутун қозоқ халқига янги Қурултойга сайловлар муваффақиятли ўтишини тилаб қоламан.

Сўзимнинг якунида бизнинг умумий кучимиз — бирлик, ўзаро ишонч ва биргаликдаги яратувчанликка қатъий садоқатимизда эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва янги ютуқлар, мамлакатларимиз халқларига эса фаровонлик ва равақ тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган ишчи ва хизматчилар, курувчи ва муҳандислар, машинистлар, вагон кузатувчилари ҳамда соҳа фахрийларини Темир йўл транспорти ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар фидокорона меҳнатингиз билан Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириш, транспорт-коммуникация тизимини изчил ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганингизни ушбу кутлуг айёмда яна бир бор эътироф этамиз.

Сўнгги йилларда соҳада олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимиз улкан натижа-лар бермоқда. Бу ўзгаришларни 2 минг 400 километрдан кўпроқ янги темир йўл тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 3 минг километрдан ортиқ йўллар электрлаштирилиб, 1 минг 100 километрдан зиёди реабилитация қилингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, йирик инвестиция лойиҳалари асосида Самарқанд — Ўрғут, Байтўғрон — Паркент, Ўрганч халқаро аэропорти — Хива темир йўл тармоқлари барпо этилгани, Навоий — Бухоро участкасининг иккинчи электрлаштирилган линияси ишга туширилгани, бир қатор истиқболли

йўналишларда эса қурилиш ишлари жадал давом эттирилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Мароқанд — Навоий, Бухоро — Ўрганч — Хива, Мискин — Нукус, Қумқўрғон — Қудқли каби муҳим йўналишларни электрлаштириш, темир йўл станцияларининг ўтказувчанлик имкониятларини кенгайтириш орқали миллий логистика тизими самарадорлиги оширилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизни жаҳон транспорт йўлаклари билан янада ишончли боғлайдиган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли барпо қилинаётгани, қўшни Афғонистон билан темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик изчил давом эттирилаётгани Ўзбекистоннинг минтақавий транспорт ва транзит маркази сифатидаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Аҳолига қўрсатилаётган транспорт хизматларини янада такомиллаштириш мақсадида Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан махсус ишлаб чиқарилган, юқори тезликдаги янги “Жалолидин Мангуберди” электропоездининг Тошкент — Хива — Тошкент йўналиши бўйича фойдаланишга топширилгани диққатга сазовордир.

Темир йўл вокзалларини замонавий қиёфага келтириш, уларнинг муҳандислик ва

сервис инфратузилмасини тубдан янгилаш, тадбиркорлик учун янада кенг имкониятлар яратиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Соҳада рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини кенг жорий этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз яқин йилларда юзлаб замонавий йўловчи вагонларини, юқори технологик поездларни харид қилиш, темир йўл инфратузилмасини янада кенгайтириш ва хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича янги ва улкан режаларни амалга оширамиз.

Биз сизлар каби минглаб заҳматкаш темирйўлчилар билан, сизларнинг касбий маҳоратингиз, бой билим ва тажрибангиз, ватанпарварлик фазилатларингиз билан бундай юксак марраларга албатта эришамиз.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, мамлакатимиз темир йўл тизимини янада замонавий, инновацион ва халқро микёсда рақобатбардош тармоққа айлантиришдек шарафли йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАНАЁТГАН УСТУВОР НАТИЖАЛАР

Сув — ҳаёт манбаи, тараққиёт пойдевори ва келажақ барқарорлигини белгилайдиган стратегик ресурс. Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари, табиий ресурслар чекланган ва экологик босим кучайиб бораётган шароитда сувга муносабат янгича мазмун касб этмоқда. У энди иқтисодий ёки экологик масала бўлиб қолмай, давлат барқарорлиги ва миллий хавфсизлиқнинг муҳим стратегик йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

Айнан шу нуқтада табиий ресурсларга муносабат ва давлат бошқарувидаги қарорлар ижроси ўртасида узвий боғлиқлик юзага чиқади. Чунки стратегик ресурсларни бошқаришда қабул қилинган ҳар бир қарорнинг амалдаги натижаси жамият ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу боис, сув ресурсларини самарали бошқариш, ҳар бир томининг қийматини англаш ва инфратузилмани ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу вазифаларни ҳал этишда ижро интизоми ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

➤ Давоми 4-бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз етакчиси мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмидиган халқаро воқеаликни таҳлил қилар экан, учрашув иштирокчиларини қатъият билан ҳаракат қилиш ва ўзаро мувофиқлашувни янада кучайтиришга қайирди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Озарбайжоннинг Маслаҳат учрашувлари форматига қўшилиши ўзаро ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги — макроминтақавий даражага олиб чиқмоқда.

— Биз учун Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва яқин қўшнимиз — Афғонистонни бирлаштирувчи ягона тараққиёт маконини шакллантириш борасида тарихий имконият очилмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон ўртасида барқарор ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва яхши қўшничилик учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида минтақавий ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари бўйича нуктаи назарини баён қилди.

Авалло, минтақавий ҳамкорлиқнинг барқарор архитектурасини шакллантиришга ўттиш муҳимлиги таъкидланди. Унинг тузилиши ҳамкорлиқнинг самарали институтлари, тармоқ идораларининг яқин муносабатлари, ҳудудларнинг тўғридан тўғри алоқалари ҳамда ривожланишнинг асосий йўналишларидаги узоқ муддатли қўшма дастурларга таъиниши зарур.

Минтақанинг халқаро субъект сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш учун давлатлараро ташкилотлар ва “Марказий Осиё плюс” форматлари доирасида ўзаро мувофиқлаштирувни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, узлуксиз саноат-технологик заنجирларни кенгайтириш, умумий рақамли хизматларни ривожлантириш ҳамда инвестиция платформаларини илгга тушириш бўйича келгуси қадамларни пухта ишлаб чиқиш талаб этилади.

Марказий Осиёни кадрлар салоҳияти, сунъий интеллект технологиялари, дата-марказлар ва энергетика қувватларини бирлаштирган яхлит инфратузилмани яратиш орқали таълим, илм-фан ва инновациялар бўйича рақобатбардош хабга айлантириш масаласи истиқболли вазифалар қаторида кўрсатиб ўтилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар доим минтақавий кун тартибining устувор йўналиши бўлиб келгани ва шуңдай бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди. Ягона табиий маконимизда юзага келётган таҳдидлар чегара билмайди, шуңдай экан уларга жавоб чоралари ҳам умумий бўлиши керак.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР



Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Президентимизнинг Қирғизистонга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга воқелик сифатида икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди — давлатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу нафақат икки мамлакат, балки бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва келажаги учун фундаментал аҳамиятга эга.

Бугун самарали фаолият юритаётган 450 та қўшма корхона ва муваффақиятли ишлаётган Тараққиёт фонди ўзаро иқтисодий ишончнинг амалий ифодасидир. Икки пойтахт ва йirik шаҳарлар ўртасида йўлга қўйилган 15 та авиақатнов ва 5 та автобус йўналиши эса фуқаролар қатнови енгиллашгани, қариндошлик ришталари янада мустаҳкамланганидан далолат беради.

Эндиликда олдимизга қўйилган стратегик мақсад — ўзаро савдо ҳажминини 2 миллиард долларга етказиш вазифаси назарий эмас, балки аниқ ҳисоб-китобларга асосланган реал маррадир. Бунда икки давлат пойтахтларида очиладиган савдо уйлари ва ваколатхоналар муҳим майдон бўлиб хизмат қилади.

— Жорий йилги ёзнинг аномал даражада иссиқ келиши иқлим ўзгариши аллақачон иқтисодиёт, сув ва энергетика хавфсизлиги, одамларнинг саломатлиги ва ҳаёт сифатига тўғридан тўғри таъсир қиладиган омилга айланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Ана шуңдай янги хавф-хатарларга биргаликда мослашиш бўйича узоқ муддатли ечимларни топиш муҳимдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳамкорлиқнинг ўзгармас устувор йўналишлари орасида гуманитар алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди. Минтақа халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаган, савдо-сотикни ривожлантирган, билим ва маданий аъналар билан ўзаро алмашган. Ҳамкорлик чуқурлашгани сари ҳамжиҳатлик туйғуси ҳам мустаҳкамланмоқда.

— Умуминимтақавий ўзига хослик халқларимизнинг миллий ўзлиги сақланган ҳолда босқичма-босқич шаклланимоқда. Ишончим комил, ушбу соҳадаги ишларнинг моҳияти сифат жиҳатидан ўзгариши халқларимиз ўртасидаги бирлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниш туйғусини мустаҳкамлайди, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Ўзбекистон Президенти нутқининг якунида умумий кучимиз — бирлик, ўзаро ишонч ва биргаликдаги яратувчанликка қатъий интилишда эканини яна бир бор таъкидлади.

Тадбирда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон етакчилари ҳам сўзга чиқиб, минтақавий ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз қарашларини баён қилдилар.

Саммит якунида Чўлпонота декларацияси қабул қилинди.

Норасмий Маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарлари Ис-сикўл соҳилида янги беш юлдузли “Боку” меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

Етакчилар замонавий меҳмонхона мажмуасида ташриф буюрувчилар дам олиши ва халқаро тадбирларни ўтказиш учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Меҳмонхона 17,2 гектар майдонда жойлашган бўлиб, умумий майдони қарийб 30 минг квадрат метр бўлган 120 дан ортиқ хонали етти қаватли бинони, бассейн, аквапарк, спорт ва кўнгилочар инфратузилмани ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА

Хорижлик экспертлар олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммити якунлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.



Йохан ЭНГВАЛЛ, Хавфсизлик ва тараққиёт сиёсати институти катта эксперти (Швеция):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида чегараолди ҳамкорлик, сув ресурсларини бошқариш, инфратузилма, туризм, таълим ва бошқа соҳаларга оид ўндан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларини Тошкентнинг Қозогистон ва Озарбайжон билан муносабатларига ўхшаш даражага олиб чиққан

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА

Хорижлик экспертлар олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммити якунлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА

Хорижлик экспертлар олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммити якунлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

кка янги суръат бағишланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва Чўлпонотада бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ўзбек-қирғиз муносабатлари ривожидида муҳим босқич бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик иттифоқчили

“

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома 2017 йил 5 октябрда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончини мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши билан бошланган ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.



Юнус Эмре КАНАТ, Стратегик тадқиқотлар ва ривожланиш маркази бошқарув раиси (Туркия):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиқнинг янги моделига босқичма-босқич ўтаётганининг наватбадига ифода-си бўлди. Агар бир неча йил аввал минтақа давлатлари асосан тўпланиб қолган масалаларни ҳал этишга эътибор қаратган бўлса, бугунги кунда қўшма инфратузилма лойиҳалари, транспорт алоқаларининг ўзаро боғлиқлиги, энергетика ва саноат кооперациясига янада кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари сўнгги йилларда бутун минтақанинг узоқ муддатли истиқболини белгилловчи масалаларни муҳокама қилиш майдончасига айланиб бораётган Чўлпонотада ўтказилаётгани бежиз эмас. Музокаралар якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар Тошкент ва Бишкек ўртасидаги ҳамкорлик тобора тизимли тус олаётганидан далолат беради.



Карлос Уриарте САНЧЕС, Умум-Европа иттифоқи президенти, профессор (Испания):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши қардош халқлар ўртасида ишонч, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган илчил сиёсатининг мантӣқий давомидир.

Музокаралар икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро алоқалар юқори даражада эканини намоён ш этди. Президентлар раислигида Давлатлараро кенгашнинг ташкил этилиши эришилган келишувларни амалга ошириш ва иттифоқчилик шериклигининг узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилашда муҳим механизм бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида савдо алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб ўн баробарга ўсиб, 1,2 миллиард доллардан ошди. Яқин истиқболда бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Саноат кооперацияси ҳам жадал ривожланимоқда. Энергетика, геология, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик саноати, логистика ва ўта муҳим минералларни қазиб олиш соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини жадаллаштириш, чегараолди савдо-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт жараёнини рақамлаштириш

ва халқаро ташувлар учун қўлай шароитлар яратиш бўйича келишувлар стратегик аҳамият касб этади. Минтақанинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишига ҳисса қўшадиган “Қамбарота ГЭС-1” лойиҳаси ҳам муҳим масалалар қаторига киради.

Ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Биринчи Ҳудудлар форумининг ўтказилиши, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши ва янги қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий муносабатлар ва сармоявий ҳамкорлиқнинг янада юксалиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Ташрифнинг гуманитар жиҳати алоҳида эътиборга лойиқ. Маданият, таълим, фан, ёшлар сиёсати, туризм ва спорт соҳаларидаги шериклиқни кенгайтириш, Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кўнларини ўтказиш ва академик алмашинувларни фаоллаштириш икки давлат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси юксак баҳоляниб, унга Қирғизистоннинг олий давлат мукофотларидан бири — I даражали “Манас” ордени топиширилди. Ушбу мукофот унинг тинчлик, яхши қўшничилик ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатларни иттифоқчилик даражасига қўтариш борасидаги илчил сий-ҳаракатлари эътифот этилганидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон билан муносабатлар ривожини бутун Марказий Осиёда барқарорлик ва илчил тараққиётни мустаҳкамлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўрадиган стратегик қарашларини алоҳида таъкидлаш лозим. БМТ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро майдонлар доирасида яқиндан мувофиқлаштиришга тайёрликнинг тасдиқланиши Ўзбекистоннинг минтақавий интеграция ва конструктив халқаро ҳамкорлиқни илгари суришдаги ўрни ортиб бораётганини кўрсатади.

Давлат ташрифи якунлари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очкичлик, прагматизм ва яхши қўшничилик сиёсати Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда давом этаётганини аққол ифодалайди. Эришилган келишувлар нафақат Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларини иттифоқчиликнинг тарихан янги босқичига олиб чиқади, балки келгусида иқтисодий ўсиш, икки мамлакат халқлари фаровонлигини юксалтириш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗҲИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН

ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ УЛҚАН ЭВОЛЮЦИОН ЙЎЛИ



Абдулазиз РАСУЛЕВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Жамиятнинг ҳақиқий тараққиёти баланд бинолар, йирик лойиҳалар ёки статистик ўсишлар билангина ўлчанмайди. У, аввало, инсон ўз уйида, ўз маҳалласида, ўз ҳаётида канчалик хавфсиз ва қадрланганини ҳис этиши билан баҳоланади. Аиниқса, хотин-қизларнинг шаъни, соғлиғи ва эркинлиги ишончли ҳимоя қилинган мамлакатдагина адолат, фаровонлик ва маънавий барқарорлик ҳақида тўлақонли сўз юритиш мумкин.

Юртимизда хотин-қизларни тазҳиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимининг босқичма-босқич ривожланиши давлат сиёсатининг инсонпарвар моҳиятини намоён этадиган энг муҳим йўналишлардан биридир. Сўнгги йилларда бу масалага оила доирасида қоладиган хусусий низо эмас, инсон ҳуқуқлари, жамоат хавфсизлиги ва давлат масъулияти билан боғлиқ умуммиллий вазифа сифатида қарала бошланди. Энг қатта ўзгариш давлатнинг муносабатиди юз берди. Эндилиқда жабрланувчидан сабр қилиш эмас, уни ҳимоялаш, ҳолатни яширишдан кўра, хавфни барвақт аниқлаш, яраштиришни ҳар қандай вазиятда мақсадга айланттириш эмас, аввало, инсон ҳаёти ва қадр-қимматини асраш талаб этилмоқда.

Бу борадаги ислохотлар алоҳида ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмади. Кейинги йилларда хотин-қизларни тазҳиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёллар ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, иккита махсус қонун қабул қилиниб, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Меҳнат ва Оила кодексларига тизимли ўзгаришлар киритилди. Соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг 15 дан ортиқ фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 20 га яқин қарори қабул қилиниб, комплекс ҳуқуқий механизм шакллантирилди.

Мустақиллик йилларида бу тизим конституциявий тенглик ва ижтимоий муҳофаза тамойилларидан бошланиб, махсус қонунчилик, ҳимоя ордери, маъмурий ва жиноий жавобгарлик, реабилитация марказлари, рақамли мурожаат каналлари ҳамда идораларо ижтимоий хизматлар тизимига ҳам бўлган мураккаб, аммо изчил йўлни босиб ўтди. Ушбу тараққиётни шартли равишда етти босқичга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқий пойдевор яратилган йиллар

1991-2003 йилларда давлат сиёсати хотин-қизларнинг конституциявий тенглигини таъминлаш, жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокни кенгайтириш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилди.

1992 йилги Конституцияда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқли экани мустаҳкамланиб, кейинчалик гендер тенглик ва зўравонликдан ҳимоя қилишга оид махсус қонунлари қабул қилиш учун фундаментал ҳуқуқий асос яратилди.

1995 йилда Ўзбекистон БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси — CEDAWга қўшилди. Уша даврда тазҳиқ ва оилавий зўравонлик алоҳида ҳуқуқий кате-

гория сифатида белгиланмаган бўлиб, бундай ҳолатлар умумий жиноят, маъмурий, оила ва фуқаролик қонунчилиги нормалари асосида баҳоланган, низоларни маҳалла ва оила доирасида яраштириш орқали ҳал этиш устувор саналган.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги институционал ёндашув

2004-2016 йиллар хотин-қизлар билан ишлашнинг ташкилий асослари мустаҳкамланган давр бўлди. 2004 йилда махсус фармон билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти қўллаб-қувватланиб, ташкилий тузилмаси ҳамда маҳаллий даражадаги иштироки кучайтирилди.

Бу даврда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш, уларни бандлик ва қасбга ўқитиш дастурларида жалб этиш, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, оғир турмуш шaroитидаги аёлларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари кенгайтирилди. Оилавий низоларни маҳалла даражасида ҳал этиш ҳам муҳим восита сифатида қўлланилди.

Айни пайтда тизим асосан ижтимоий ҳимоя ва оилани сақлаб қолиш концепциясига таянди. Шу сабабли айрим ҳолатларда жабрланувчининг хавфсизлигидан кўра яраштириш, ажраштиришнинг олдини олиш ва оила обрўсини сақлашга устувор аҳамият берилди.

Муаммога янги давлат сиёсати нуқтаи назаридан қараш

2017-2018 йилларда хотин-қизларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонликка қарши кураш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида хотин-қизлар-



нинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги фармони билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолият тубдан такомиллаштирилиб, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушган аёлларни манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда оилавий муаммоларни барвақт аниқлаш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Шу асосда хонадонбай ўрганиш, муаммолар оилалар билан манзилли ишлаш, аёллар учун маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш хизматларини ривожлантириш, оила ва хотин-қизлар масалаларини илмий-амалий ўрганиш ҳамда оғир ижтимоий аҳволга тушган аёлларни реабилитация қилиш механизмлари кенгайтирилди.

Мазкур босқич ижтимоий ҳимоя моделидан махсус ҳуқуқий ҳимоя моделига ўтиш учун мустаҳкам замин яратди. Натижада тазҳиқ ва зўравонлик оила доирасида ҳал қилинадиган шахсий масала эмас, балки давлат органлари аралашувини талаб қиладиган ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида баҳолана бошланди.

Махсус қонун ва ҳимоя ордери

2019-2020 йиллар соҳадаги энг муҳим ҳуқуқий бурилиш босқичи бўлди. 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазҳиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун билан тазҳиқ, жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик тушунчалари, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари, ваколатли органларнинг вазифалари ҳамда ҳимоя ордери институти ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Уша қуни қабул қилинган яна бир ҳужжат — “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун эса гендер тенгликни таъминлашни давлат сиёсатининг мустақил ҳуқуқий йўналиши сифатида белгиледи.

2020 йилда ҳимоя ордерини расмийлаштириш, бериш ва ижросини таъминлаш тартиби жорий этилди, кейинчалик ордерларни электрон шаклда расмийлаштириш ҳамда QR-код орқали тасдиқлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳимоя ордери зўравонлик жиноят даражасига етмасдан туриб, давлатнинг тежор ҳуқуқий аралашувини таъминлайдиган механизмга айланди. У жабрланувчи билан алоқани чеклаш, зўравонлиқни тақрорламаслик ҳақида расмий огоҳлантириш бериш ва профилактик назоратни амалга ошириш имконини яратди. Шу тариқа оилавий ёки шахсий муносабатлар зўравонлиқни оқлашга асос бўла олмаслиги, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор вазифаси экани ҳуқуқий амалиётда мустаҳкам қарор топди.

Мазкур ҳуқуқий ислохотлар нафақат миллий ҳуқуқ тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, балки Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини амалий таъминлашга ҳам хизмат қилди. Хусусан, БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) талаблари миллий қонунчиликка босқичма-босқич имплементация қилинди. Кейинчалик янги тахрирдаги Конституцияда давлат хотин-қизларни таз-

ҳиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиши алоҳида конституциявий қафолат сифатида мустаҳкамланди.

Реабилитация ва манзилли ёрдам бир йўналишда

2021-2022 йилларда хотин-қизларни ҳимоя қилиш соҳасида стратегик, реабилитацион ва манзилли қўллаб-қувватлаш механизмлари ягона тизимга бирлаштирилди.

2021 йил 28 майдан 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланиб, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашнинг узоқ муддатли вазифалари белгиланди.

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги қарори асосида Аёлларни реабилитация қилиш ва мустақиллаштириш республика маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилиб, улар зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга вақтинча бошпана, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилди.



Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги фармони билан эса оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашнинг миллий механизми янада такомиллаштирилди. Натижада тазҳиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан чекланмай, ҳуқуқий ва психологик ёрдам, вақтинча бошпана, реабилитация, бандлик, қасбга тайёрлаш, моддий кўмак ҳамда маҳаллада ижтимоий ишларни қамраб олган комплекс тизимга айланди. Шу билан бирга, “Аёллар дафтари” ва бошқа манзилли дастурлар иқтисодий қарамлик, ишсизлик ва уй-жой муаммолари каби зўравонлик хавфини кучайтирувчи омилларни бартараф этишнинг муҳим амалий механизми сифатида шаклланди.

Жавобгарлиқнинг муқаррарлиги ва комплекс хизматлар

2023-2025 йилларда оилавий-маиший зўравонлик криминализация қилиниб, тазҳиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ҳамда уларнинг фарзандларига комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими шакллантирилди.

2023 йил 11 апрелда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда оилавий-маиший зўравонлик учун маъмурий, Жиноят кодексига эса жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, шахвоний шикмиллик, воғая етмаганлар ва хотин-қизларни ҳимоя қилишга оид қатор нормалар кучайтирилди.

Президентимизнинг 2024 йил 10 майдаги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги қарорлари асосида тазҳиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳамда уларнинг воғая етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги тартиблари жорий этилди. Улар доирасида жабрланувчиларни реабилитация марказларида жойлаштириш, вақтинча бошпана билан таъминлаш, ҳимоя ордери ва жабрланувчилар ҳақидаги маълумотларни “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали “Инсон” марказларига реал вақт режимида юбориш, шошилинч қабул бўлимида бирламчи кўмак хоналарини ташкил этиш, “102” орқали келиб тушган мурожаатларни ҳисобга олиш ҳамда ижтимоий хизматлар мониторингини юритиш йўлга қўйилди.

Мазкур босқичда миллий тизим огоҳлантириш ва яраштиришга асосланган ёндашувдан ҳуқуқий жавобгарлик, жабрланувчининг хавфсизлиги ва комплекс реабилитацияни таъминлашга қаратилган замонавий модельга тўлиқ ўтди.

Рақамли, рискка асосланган ва ихтисослашган чоралар

2026 йилдан хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш тизимини рискка асосланган, рақамли ва ихтисослашган модель асосида ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди.

Президентимизнинг 2026 йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони билан зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда барвақт профилактика механизмларини кучайтириш устувор вазифалар этиб белгиланди.

2026 йил 1 апрелдан ҳимоя ордери берилган хотин-қизларнинг розилиги билан уларнинг мобил қўрилмаларига “my.ihma.uz” тизими орқали SOS қақирув функциясини ўрнатиш жорий этилди. Шунингдек, эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида таълим, соғлиқни сақлаш, ФХДБ, маҳалла ва диний ташкилотлар иштирокида ички ишлар органлари ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига тежор хабар беришнинг идораларо механизми йўлга қўйилмоқда.

2027 йил 1 январдан аёллар ва болаларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни, қонда тарикасида, махсус тайёрлашдан ўтган терговчилар ва судьялар томонидан тергов қилиш ва қўриб чиқиш белгиланди. Шу муносабат билан 2026 йил якунига қадар ҳар бир ҳудудда камиди биттадан терговчи ва судьяни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Айни вақтда ижтимоий тармоқлар ҳам зўравонлик ҳолатларини ошқор қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва давлат органларининг тежор муносабатини таъминлашда муҳим омилга айланди. Натижада зўравонлиқни “оилавий сир” сифатида қабул қилиш ўрнига унга муросасиз муносабатни шакллантириш тенденцияси тобора кучаймоқда.

Шу тариқа хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизими хавфни барвақт аниқлаш, рақамли технологиялар орқали мониторинг қилиш ва ихтисослашган институтлар фаолиятига таянган замонавий профилактика моделига босқичма-босқич ўтмоқда.

Тизимнинг ўзгарган қиёфаси

Ислохотлар натижасида зўравонлик ҳуқуқий жиҳатдан тан олинди. Илгари шахсий ёки оилавий низо сифатида қаралган хатти-ҳаракатлар эндилиқда тазҳиқ, иқтисодий, руҳий, жинсий ва жисмоний зўравонлик сифатида ҳуқуқий баҳоланмоқда.

Тежор ҳимоя институти яратилди. Ҳимоя ордери жабрланувчини жиноят содир бўлишини кутиб ўтирмасдан муҳофаза қилиш имконини берди.

Жавобгарлик дифференциация қилинди. 2023 йилдан оилавий зўравонлик учун алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Реабилитация ва ижтимоий хизматлар шакллантирилди. Жабрланувчиларга бошпана, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими вужудга келди.

Рақамли мурожаат имкониятлари кенгайди. Онлайн мурожаат, электрон ҳимоя ордери, QR-код, ягона ахборот тизими ва SOS функциялари ҳимояни тежор ва манзилли қилишга йўл очмоқда.

Жамоатчилик муносабати ўзгармоқда. Зўравонликка тоқат қилиш ёки уни “оилавий масала” сифатида яшириш ўрнига уни ҳуқуқбузарлик ва инсон ҳуқуқлари бузилиши сифатида қабул қилиш кучаймоқда. Бу ўзгаришлар оддий статистика эмас, улар жамият онгидида бурилишни ифодалайди.

Ислохотларнинг халқаро эътирофи

Бугун мамлакатимиз халқаро ташкилотлар, нуфузли рейтинг агентликлари ва экспертлар томонидан хотин-қизларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни бажарувчи давлат сифатидагина эмас, балки минтақада мазкур йўналишда ҳуқуқий ислохотларни изчил амалга ошираётган мамлакат сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Жумладан, Жаҳон банкнинг “Women, Business and the Law” ҳисоботида Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий ислохотларни тез амалга оширган дунёдаги энг илгор беш давлат (Top Five Improvers) қаторига киритилди.

Халқаро эътироф фақат қонунчиликдаги ўзгаришлар билан чекланиб қолмади. Гендер соҳасида очилиқ ва ҳисобдорликни таъминлаш борасида ҳам мамлакатимиз сезиларли натижаларга эришди. Open Data Watch халқаро ташкилотининг “Open Gender Data Index” рейтингига Ўзбекистон 195 давлат ичида 18-ўринни эгаллаб, дунёнинг энг яхши йиғирматга мамлакати қаторидан жой олди. Мазкур кўрсаткич давлат органлари хотин-қизларга оид маълумотларни очик эълон қилиш ва статистик шаффофлиқни таъминлаш йўлида сезиларли илгириланигини тасдиқлайди.

Жоржтаун университети томонидан эълон қилинадиган “Women, Peace and Security Index” рейтингига Ўзбекистон дунё давлатлари орасида энг яхши юзталик мамлакатлар қаторига кирди. Ушбу натижа аёлларнинг ҳуқуқий ҳимояси, хавфсизлиги ва ижтимоий имкониятларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро мезонлар асосида ҳам муносиб баҳолаётганини аниқлашди.

Шу билан бирга, ислохотларнинг кейинги босқичи аниқ ва ўлчанадиган натижаларга таяниши керак. Биринчи навбатда, хотин-қизларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонлик билан боғлиқ статистик маълумотлар тарқоқлиги бартараф этилиши зарур. Ички ишлар, суд, прокуратура, соғлиқни сақлаш, “Инсон” марказлари, реабилитация муассасалари ва фуқаролик жамияти маълумотлари ҳозирча бир-бирини алоҳида юритилди.

Умуман, назаримда, ушбу йўналишдаги ишлар ривожининг кейинги босқичида қуйидаги амалий тақдирларнинг амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Масалан, “Хавфсизлик — жавобгарлик — тикланиш” миллий моделини жорий этиш. Унда хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизими уч таянчга қурилади: зўравонлиқни зудлик билан тўхтатиш; зўравон шахсга нисбатан муқаррар ва мутаносиб чора қўллаш; жабрланувчининг соғлиғи, ҳуқуқлари, даромади ва мустақил ҳаётини тиклаш.

Шунингдек, идораларо ягона “GBV Case ID” тизимини ташкил этиш, очик миллий статистика панелини яратиш, юқори хавфли зўравон шахсларни электрон назорат қилиш тизимини эксперимент тариқасида жорий этиш, ҳар бир ҳудудда хотин-қизларга нисбатан тазҳиқ ва зўравонлик ишларини кўриб чиқишга ихтисослашган терговчи — прокурор — судья занжирини яратиш, жабрланувчилар учун махсус адвокатлар реестрини кенгайтириш ва “битта мурожаат нуқтаси”ни ҳар бир ҳудудда амалий жорий этиш, рақамли зўравонлик бўйича махсус ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва миллий виктимологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиш ҳам тизим самарадорлигига фойдадан холи бўлмайди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни тазҳиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш сиёсати мустақиллик йилларида конституциявий тенгликдан ижтимоий ҳимояга, институционал қўллаб-қувватлашдан махсус қонунчиликка, ҳимоя ордеридан маъмурий ва жиноий жавобгарликка, комплекс ижтимоий хизматлардан рақамли ва ихтисослашган ҳимоягача бўлган улкан эволюцион йўлни босиб ўтди.

Энди навбатдаги вазифа янги органлар ёки кўпроқ ҳисоботлар ташкил этиш эмас. Асосий мезон — ҳар бир мурожаат ортда турган инсоннинг ҳаётида нима ўзгаргани муҳим. Шундагина тизимнинг самараси ҳимоя ордерлари ёки ўтказилган тадбирлар сони билан эмас, сақлаб қолingan ҳаётлар, тақрорланмаган зўравонлик ҳолатлари ва қайта тикланган инсон тақдирлари билан ўлчанади.

Янги Ўзбекистоннинг энг кучли қиёфаси ҳам айнан шу ерда намоён бўлади, яъни давлат бир аёлининг қўрқувини ўзининг ташвиши, унинг қадр-қимматини ўзининг масъулияти, унинг хавфсиз келажагини эса миллий тараққиётнинг ажралмас шарти деб билади. Хотин-қизни ҳимоя қилиш оилани, болани, жамиятни ва эртанги кунни ҳимоя қилишдан иборат.



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ ОРҚАЛИ
ТАЪМИНЛАНАЁТГАН УСТУВОР НАТИЖАЛАРАҳмад СУВОНҚУЛОВ,
“Ўзсвтаъминот” АЖ бошқаруви
раиси вазифасини бажарувчи

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида инфратузилмани ривожлантириш, давлат хизматлари сифати ва аҳоли турмуш даражасини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Сув таъминоти соҳасидаги ислохотлар ана шу мақсадлар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Бугун “Ўзсвтаъминот” акциядорлик жамияти фаолиятида ижро интизоми ташкилот самарадорлигини белгилайдиган асосий таъминотга айланган. Бу ёндашув 16 та ҳудудий ва магистрал акциядорлик жамияти ҳамда 14 та ҳудудий инжиниринг компанияси фаолиятини ягона бошқарув тизими атрофида бирлаштирмоқда. Чунки замонавий давлат бошқарувида қарорнинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши самарадорликни белгилайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, ижро интизоми бутун расмий талаб доирасидан чиқиб, ислохотлар самарадорлигини таъминловчи доимий механизмга айланган.

Ушбу механизмнинг амалий натижаси сифатида 2026 йил биринчи ярим йиллигида белгиланган вазифалар доирасида “Ўзсвтаъминот” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва йиғилиш баёнларидаги 384 та, Президент Администрацияси резолюцияларидаги 55 та ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларидаги 23 та топшириқ тўлиқ ижро этилди. Бу кўрсаткич тизимда шакланган қатъий назорат, аниқ режалаштириш ва шахсий жавобгарлик тизимининг амалий самарасини намоён этади.

Айнан шу натижаларга таянган ҳолда, жорий йилнинг ярим йиллиги давомида келиб тушган барча қонунчилик ҳужжатлари ягона электрон реестрга киритилиб, ҳар бир топшириқ бўйича алоҳида назорат режалари ишлаб чиқилди. Шу асосда ижрочилар, муддатлар ва амалга ошириш механизмлари аниқ белгиланган бўлиши натижасида ижро жараёни тизимли ва узлуксиз шаклга келтирилди.

Мазкур тизим барқарор ишлаши учун ҳар бир топшириқ ижросига ўз вақтида еткази-

лизи самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қaratилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида электрон мониторинг тизими, автоматик назорат ва онлайн ҳисобот платформалари орқали ҳар бир топшириқ реал вақт режимида кузатиб боришмоқда. Бу инсон омил иштирокини қисқартириб, шаффофликни ошириш ва бошқарувда аниқликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Натижада ижро интизоми кучли бўлган тизимда хато ва камчиликлар камайтириб, бошқарув аниқлиги ошади ва натижалар барқарорлашади. Бу жараёни фақат техник назорат эмас, балки жамоа масъулиятини шахсий жавобгарлик билан уйғунлаштириш диган бошқарув маданиятидир. Шу нуқтаи назардан, КРИ тизими ва рағбатлантириш механизмлари жорий этилиб, ходимлар фаолияти кунлик, ҳафталик ва ойлик баҳолаб боришмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан сув таъминоти соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли дастур ва вазифалар ижроси қатъий назоратга олинган.

Биргина мисол: 2026 йил учун белгиланган асосий вазифалардан бири — 310 минг кишини илк бор марказлашган тоза ичимлик сув билан таъминлашни олайлик. Бу рақам ортида юзлаб оилаларнинг кўп йиллар давомида қудуқ суви ҳамда ташиб келтириладиган сувни истеъмол қилиб келгани ёки мавсумий манбаларга таяниб кун ўтказгани туради. Бундай ҳудудларда ҳар бир кун сув топиш билан бошланади. Бу жараён вақт, меҳнат ва имкониятни чеклаб қўяди. Юқоридаги вазифа амалга ошиши ортидан оилаларнинг кун тартиби энгиллашади, болаларнинг ўқиш ва дам олишга вақти етади, санитария шароити яхшиланади.

этилиши режалаштирилган. Халқро ҳамкорлик орқали фақат молиявий ресурс эмас, балки лойиҳа бошқаруви, сифат назорати ва техник стандартлар ҳам тизимга кириб келмоқда.

масъулият билан бир қаторда шахсий жавобгарликни ҳам кучайтиради. Натижа учун аниқ раҳбар ва аниқ жамоа масъул бўлади.




2026 йил биринчи ярим йилликда белгиланган вазифалар доирасида “Ўзсвтаъминот” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва йиғилиш баёнларидаги 384 та, Президент Администрацияси резолюцияларидаги 55 та ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларидаги 23 та топшириқ тўлиқ ижро этилди.

Бу вазифаларни амалга оширишда “Ijro.gov.uz” тизими орқали қатъий назорат ўрнатилган. Жумладан, Жалақудуқ тумани марказида ичимлик сув тармоқлари янгилаб, сув йиғиш иншооти реконструкция қилинмоқда. Қарши туманидаги “Чаман” МФЙ ҳамда Тойлоқ туманидаги Чароғбон массивида “Янги Ўзбекистон” массивлари

Ушбу вазифаларни самарали бажариш мақсадида бошқарув раисининг ўринбосарлари, ҳудудий ташкилот раҳбарлари ва таркибий бўлимлар бошлиқлари эътибори “Ijro.gov.uz” тизими орқали топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга қaratилган.

Шу билан бирга, 2026 йилда ижро муда-ти келадиган топшириқларни барвақт ташкил



учун ичимлик ва оқова сув тизимлари барпо этилмоқда.

Шунингдек, Бухоро туманидаги “Боғидашт” МФЙ ҳудудида, Зарафшон шаҳрининг янги кичик туманларида ҳамда Давлатобод туманида барпо этилаётган янги шаҳарча инфратузилмасини сув билан таъминлаш бўйича йирик лойиҳалар изчил давом эттирилмоқда. Косонсой шаҳридаги “Обод” сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш орқали эса янги ҳудудларни барқарор сув манбаи билан таъминлаш мақсад қилинган.

Ҳудудларда, шунингдек, Шовот, Ҳазорасп, Бешарик, Кўшқўпир туманлари ва Урганч шаҳридаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари орқали нафақат янги массивлар, балки аҳоли пунктлари инфратузилмаси ҳам босқичма-босқич яхшиланмоқда. Урганч шаҳридаги “Ал-Хоразмий” мажмуаси мисолида эса замонавий сув ва оқова тизимлари билан таъминлаш ишлари белгиланган муддатларда якунланиши кўзда тутилган.

Бу лойиҳаларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар орқали халқро молия институтлари иштирокидаги тўртта йирик лойиҳа ҳам параллел равишда ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Айнан шу тизимли ва қатъий ижро орқали лойиҳаларнинг натижаси техник кўрсаткичлар билан чекланиб қолмайди. Энг асосийси, улар инсон ҳаётига беvosита таъсир қилади. Яъни сув етказиб берилган ҳар бир хонадон-сида 1,7 триллион сўм ҳисобидан 1394 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 84 та иншоот қурилиши ва қайта тикланиши белгиланган. Бу ишлар орқали охиёҳёт чекка ҳудудларга етиб бориши таъминланади.

Бундан ташқари, халқро молия институтлари иштирокидаги 21 та лойиҳа орқали 462 миллион доллар маблағ жалб қилиниб, 1161 километр тармоқ ва 44 та иншоот барпо

этиш, қонунчиликда назарда тутилган “технологик занжир”га қатъий риоя қилиш ҳамда ижро муддатини узайтириш ёки назоратдан чиқариш бўйича таклифларни ҳудудий адлия органлари билан ҳамкорликда пухта тайёрлаш тизими йўлга қўйилган.

Ижро жараёнида назорат ва ҳисобдорлик тизими кучайтирилиб, масъул ижрочиларнинг жавобгарлиги оширилмоқда. Топшириқларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича талабчанлик янги босқичга кўтарилган.



Рақамли мониторинг тизимлари, электрон ҳисобот платформалари ва автоматик назорат механизмлари орқали ижро жараёни реал вақт режимида кузатиб боришмоқда. Бу шаффофликни таъминлаш, инсон омил иштирокини камайтириш ва қарор қабул қилиш тезкорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда давлат бошқарувида аҳоли билан очиқ мулоқот қилиш, фуқаролар мурожаатларини чуқур ўрганиш ва уларда кўтарилаётган масалаларни манзилли ҳал этиш устувор йўналишлардан бирига айлан-ди. Шу нуқтаи назардан, “Ўзсвтаъминот” АЖ ва унинг тизимдаги ташкилотларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёни янада такомиллаштирилиб, муаммоларни олдиндан аниқлаш, профилактик чораларни кучайтириш ва тезкор ҳал этишга қaratилган янги чора-тадбирлар жорий этилмоқда. Натижада мурожаатлар сони камайиши билан бирга уларни ҳал этиш самарадорлиги ҳам сезиларли даражада ошди.

Хусусан, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳамда 2026 йилнинг шу даври қиёсий таҳлилига кўра, “Ўзсвтаъминот” АЖ ва унинг тизимдаги ташкилотларига келиб тушган мурожаатлар сони 8702 тадан 6997 тага камайган. Яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мурожаатлар 1705 тага ёки 20 фоиз қисқарган. Мурожаатларнинг 6226 таси ёки 98 фоизи ижобий ҳал этилгани тизимда аҳоли билан ишлаш сифати янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Мазкур натижалар ортида соҳадаги ислохотлар, ичимлик сув таъминоти инфратузилмасини яхшилашга қaratилган кенг кўламли лойиҳалар, аҳоли билан мунтазам мулоқот механизмлари йўлга қўйилиши ҳамда раҳбарларнинг шахсий масъулиятини оширишга қaratилган чора-тадбирлар мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизоминини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони давлат бошқарувида ижро интизоминини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Мазкур ҳужжат билан ижро интизомига масъул бўлимларнинг биринчи раҳбарга бўйсундирилиши раҳбарлар масъулиятини кучайтириш ва ижро самарадорлигини оширишнинг муҳим институционал механизмига айланди.

Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзсвтаъминот” акциядорлик жамияти ва унинг тизимида қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқлар ижросини назорат қилишнинг самарали механизмлари жорий этилди. Ҳудудларда ислохотлар натижадорлигини баҳолаш ҳамда ижро интизоминини таъминлаш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Энг муҳими, ижрони ташкил этишда биринчи раҳбарларнинг шахсий масъулияти сезиларли даражада ошди. Натижада фармон қабул қилинган даврдан буён тизимдаги 2653 та топшириқнинг ўз вақтида ижро этилиши ва назорат қилиниши таъминланди. Бу акциядорлик жамияти ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда бошқарув сифатини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айнан шу ёндашувнинг мантикий давоми сифатида жорий йилдан бошлаб мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари, сайёр қабуллар самарадорлиги ва аҳоли муаммоларининг ечими раҳбарлар фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонларидан бири — КРИ тизимига киритилди. Бу соҳада янги масъулият муҳитини шакллантириб, раҳбарлар фаолиятини энди нафақат бажарилган ишлар ҳажми, балки аҳоли розилиги, мурожаатларнинг ўз вақтида ҳал этилиши ва эришилган амалий натижалар орқали ҳам баҳолаш имконини бермоқда.

Ислохотлар самараси бугун одамлар ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Сув етган жойда ҳаёт нафақат энгиллашади, балки янгиланади. Болаларнинг соғлом ўсиши, оилаларнинг хотиржамлиги ва маҳаллаларнинг ободлиги айнан шу эзгу мақсаднинг амалий ифодасидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида ҳукумат қарорлари ижросини самарали ташкил этиш, ижро интизоминини мустаҳкамлаш, ижро учун масъул раҳбарларнинг ҳам жавобгарлиги оширилган.

Натижада ўтган даврда Вазирлар Маҳкамасининг 1082 та топшириғидан 1028 тасининг ижроси таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 март куни ижро интизоми бўйича ўтказилган йиғилишда белгилаб берган топшириқлари асосида ичимлик сув таъминотидаги долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни беvosита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриб боришмоқда.

Энг муҳими, топшириқлар муддатини узайтириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритиш ҳолати кескин камайтирилди.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида республикаимиз бўйлаб 17 та ичимлик сув таъминоти объектининг фойдаланишга топширилиши аҳолининг турмуш сифатини юксалтиришга қaratилган ислохотларнинг яна бир муҳим амалий натижасидир. Кейинги йилларда сув таъминоти соҳасидаги кенг кўламли лойиҳалар муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш билан чекланмай, энг аввало, инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, мазкур объектларнинг ишга туширилиши аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, ҳудудларни барқарор ривожлантириш ва халқ манфаатларини таъминлашга қaratилган давлат сиёсатининг изчил давомидир. **Натижада 452 минг кишининг ичимлик сув таъминоти янада яхшиланади, 417 мингдан зиёд фуқаро эса илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланади. Ушбу кўрсаткичлар замирида юз минглаб оилаларнинг ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, саломатлиқни мустаҳкамлаш, турмуш сифати ва эртанги кунга иншонч мумкин.**

Мазкур жиҳатлар жорий йил 20 июль куни давлатимиз раҳбари ҳузурида бўлиб ўтган селектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди. Унда ичимлик ва оқова сув хизматларини янада такомиллаштириш, тармоқдаги лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ижро интизоминини кучайтириш ҳамда соҳани замонавий бошқарув механизмлари асосида ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилан берилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда сув таъминоти соҳасига жалб этилган инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Натижада 7,7 миллион киши илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди. Бироқ эришилган натижалар янги вазифалар учун пойдевор экани таъкидланиб, келгуси йилларда ичимлик сув таъминоти қамровини 90 фоизга, шаҳарларда канализация хизматлари қамровини 80 фоизга етказиш, энг муҳими, ҳар бир лойиҳани инсон манфаати нуқтаи назаридан сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Йиғилишда соҳани бошқаришнинг институционал асосларини янада такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қaratилди. Жумладан, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш вазифаларини ажратиш, магистрал сув таъминоти корхоналарини ташкил этиш ҳамда ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларини иқтисодий асосланган ва шаффоф мезонлар асосида белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, рақамли трансформацияни жаддалаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Хусусан, истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни тўлиқ онлайн тизимга ўтказиш, масофадан маълумот узатуви замонавий сув ҳисоблагичларини босқичма-босқич жорий этиш, сув тармоқлари ва иншоотларининг рақамли харитасини яратиш, SCADA, GIS, телеметрия ва ягона билнинг тизимларини кенг таъбиқ этиш орқали сув йўқотишларини сезиларли қисқартириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб насос ускуналари фаолиятини таҳлил қилиш, аварияларни олдиндан аниқлаш ва аҳоли мурожаатларини тезкор қўриб чиқиш бўйича янги ечимлар жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар соҳада фақат янги лойиҳаларни амалга ошириш эмас, балки бошқарув самарадорлигини ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва ижро интизоминини янада мустаҳкамлашнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Бу вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, энг аввало, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада юксалтириш, инсон ҳаётида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар бир янги сув иншооти, ҳар бир хонадонга етиб борган тоза сув мамлакатимизда инсон манфаати устувор эканининг амалий ифодасидир. Ана шундай натижалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳиятини янада тереқ очиб, давлат сиёсати марказида инсон қадрли, халқ фаровонлиги ва қабул қилинаётган қарорларнинг сўзсиз ижроси турганини тасдиқламоқда.

либ, доимий мониторингга олинди. Муддати яқинлашган ёки кечикиш хавфи пайдо бўлган вазифалар бўйича тезкор эслатмалар юборилиб, ижро жараёнида узилишларга йўл қўйилмаслиги таъминланди. Шу билан бирга, душанба ва жума кунлари раҳбариятга тақдим этиладиган тахлилий ахборотлар бошқарув қарорларини тезкор ва асосли қабул қилиш имконини бермоқда.

Ижро интизоминини янада мустаҳкамлашда рақамли технологиялар ҳал қилувчи ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон

Яна бир муҳим мақсад сифатида республикада ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш учун кенг кўламли қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш режалаштирилган. Давлат дастурлари доирасида 1,7 триллион сўм ҳисобидан 1394 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 84 та иншоот қурилиши ва қайта тикланиши белгиланган. Бу ишлар орқали охиёҳёт чекка ҳудудларга етиб бориши таъминланади.

Бундан ташқари, халқро молия институтлари иштирокидаги 21 та лойиҳа орқали 462 миллион доллар маблағ жалб қилиниб, 1161 километр тармоқ ва 44 та иншоот барпо

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида республикаимиз бўйлаб 17 та ичимлик сув таъминоти объектининг фойдаланишга топширилиши аҳолининг турмуш сифатини юксалтиришга қaratилган ислохотларнинг яна бир муҳим амалий натижасидир. Кейинги йилларда сув таъминоти соҳасидаги кенг кўламли лойиҳалар муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш билан чекланмай, энг аввало, инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.



Бир пайтлар университет деганда кўз олдимизда баланд бинолар, гавжум аудиториялар ва диплом олиш учун келган ёшлар гавдаланар эди. Бугун эса вазият мутлақо бошқача. Энди университетнинг ҳақиқий кийёфаси унинг лабораторияларида тугилаётган ғоялар, халқаро журналларда эълон қилинаётган илмий мақолалар, хориж университетлари билан имзоланаётган келишувлар ва жамиятга қандай кадрларни етказиб бераётгани билан белгиланади.



Шерзод НЕЪМАТОВ,
Қарши давлат техника
университети ректори

Иқтисодиёт илмий ғояга таянади

Сўнгги икки йилда Қарши давлат техника университетида кечаётган ўзгаришларга назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади: бу ерда оддий таълим муассасаси эмас, балки муҳандислик тафаккурини шакллантиришга қаратилган янги мактаб барпо этилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган университет қисқа вақт ичида нафақат ташкилий тузилмасини шакллантирди, балки ривожланишининг аниқ стратегиясини ҳам белгилаб олди. Бу стратегиянинг марказида эса битта ғоя туради: илм иқтисодиётга хизмат қилиши керак.

Шунинг учун бугун университет аудиторияларида фақат дарс ўтилмаяпти. Бу ерда эртанги энергетика тизими муҳокима қилинмоқда. Сунъий интеллектнинг янги алгоритмлари яратилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Карбон чиқиндиларини камайтириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, нефть-газнини чуқур қайта ишлаш каби масалалар ёш олимларнинг кундалик изланишларига айланган.

Бугун университетда юзлаб ёш тадқиқотчилар фаолият юритади. Лабораторияларда эса янги ғоялар синовдан ўтмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, бу ғоялар фақат Ўзбекистон учун эмас. Уларнинг аксарияти халқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилмоқда. Хитой, Италия, Туркия, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар олимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган илм-фаннинг чегара билмаслигини яна бир бор тасдиқлайди.

Яқин йилларда университетда юз берган ўзгаришлар кўламини фақат рақамлар орқали ҳам тасаввур қилиш мумкин. Бироқ бу рақамларнинг ҳар бири ортида узлуксиз жараён, катта меҳнат ва алоҳида натижа бор. Масалан, бугун университетда 274 ёш олим — таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчи илмий тадқиқот олиб бормоқда. Бу эртанги кун профессорлари, янги технологиялар муаллифлари ва мамлакат саноатининг илмий таянчи бўладиган авлод шаклланаётганини англатади.

Университетда фаолият юритаётган 810 профессор-ўқитувчининг асосий қисми илмий даражага эга. Илмий салоҳиятнинг 48,6 фоизга етгани қисқа вақт учун муҳим натижа ҳисобланади.

Илмий натижанинг энг муҳим кўрсаткичи эса халқаро илмий майдондаги фаолиқдир. 2026 йилнинг ярим йиллигида университет олимлари томонидан 985 та халқаро илмий мақола чоп этилди. Бу деярли ҳар кунни бешолтигадан илмий иш халқаро илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди деганидир. Агар шу суръат сақланса, бир йилда икки мингта яқин илмий мақола яратилади. Бу эса нафақат университет, балки бутун минтақа илмий салоҳияти ўсиб бораётганининг муҳим белгисидир.


Айниқса, “Scopus”нинг Q1 ва Q2 кватртили журналларида қисқа даврда 94 та мақола чоп этилгани алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бундай журналларга юборилган мақолалар халқаро экспертлар томонидан пухта текширилади, тадқиқотнинг илмий янгилги ва амалий аҳамияти баҳоланади. Демак, Қарши давлат техника университетида яратилаётган илмий ғоялар нафақат мамлакат, балки халқаро илмий ҳамжамият талаблари ҳам жавоб бермоқда.

Бу ерда муҳим жиҳат бор. Илм-фаннинг ҳақиқий қиймати мақолалар сони билан эмас, унинг иқтисодиётга қай даражада хизмат қилиши билан белгиланади. Шу маънода, университетда амалга оширилаётган 8 та давлат гранти лойиҳасига алоҳида тўхталиш лозим. Қарийб 10 миллиард сўмлик бу лойиҳалар долзарб соҳаларга йўналтирилган. Бугун дунё геотермал энергия, сунъий интеллект, энергия тежовчи технологиялар, карбонат ангидридни қайта ишлаш, биогаз қурилмалари каби масалалар ечими устида бош қотирмоқда. Демак, университет олимлари ҳам ушбу глобал муаммоларнинг маҳаллий ечимларини изламоқда. Яна бир эътиборли ҳолат — университет олимлари томонидан халқаро танловларга тақдим этилган 24 та лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 40 миллиард сўмни ташкил этади. Бу лойиҳалар университетнинг илмий салоҳияти янада юқори босқичга кўтарилишига асос бўлади.

Бугун университет фақат илм яратмаяпти, уни иқтисодиётга ҳам олиб кirmoқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида “Energo Control Lab” spin-off корхонаси фаолиятини келтириш мумкин.

Гап дипломда эмас...

Ҳар йили минглаб ёшлар университетни тамомлайди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам меҳнат бозоридаги “Сен нима қила



оласан?” деган саволга жавоб берадими? Шуниси муҳим. Университетимизда ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, бакалаврият ва магистратура дастурлари иш берувчилар, йирик саноат корхоналари ҳамда хорижий университетлар тажрибаси асосида қайта таҳлил қилинди. Натижа нима бўлди? 2026/2027 ўқув йили учун 9 та янги бакалаврият ва 8 та янги магистратура мутахассислиги очилди. Бир қарашда бу ҳам оддий рақамдек. Лекин ҳар бир янги таълим йўналиши ортида янги меҳнат бозори, янги технология ва янги иқтисодий эҳтиёж турибди. Бугун университет касб ўргатмаяпти. У ҳали пайдо бўлиб улгурмаган касбларга ҳам кадр тайёрлашни бошламоқда.

Университет тарихида биринчи марта 45 та йўналиш бўйича кечки таълим, 13 та йўналиш бўйича эса масофавий таълим, 83 та бакалаврият ва 64 та магистратура

мутахассислиги бўйича таълим йўлга қўйилган. Ўқув режадаги 234 та фан дунёнинг TOP-300 университетлари дастурлари асосида қайта ишланган. Бунинг ортида катта маъно бор. Сабаби, бугун рақобат университетлар



ўртасида эмас, дастурлар ўртасида кечмоқда. Талаба Самарқандда, Қаршида ёки Берлинда ўқимайдими, аввало, унинг билим даражаси халқаро мезонга яқинлашиши керак. Шунинг учун ўқув дастурлари ўзгариши лозим. Қарши давлат техника университетида айнан шу йўл танланган.

Университетимизнинг 3 та магистратура ва 2 бакалавр таълим йўналиши Германиянинг АСИИН компаниясида халқаро аккредитациядан ўтказилди. Энди

таълим тизими йўлга қўйилди. Бугун “TAT COLA”, “Indorama Agro”, “Uzbekistan GTL”, “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ, Деҳқонobod калий заводи, “O‘zbektelekom” сингари корхона ва ташкilotлар билан бу борада



манфаатли ҳамкорлик ўрнатилган. Демак, талаба энди ишлаб чиқаришни китобдан эмас, заводнинг ўзида ўрганипти. Муҳандисликни чизмада эмас, ҳақиқий ускуна олдида ўзлаштиряпти. Бу эса диплом билан иш жойи ўртасидаги масофани сезиларли қисқартирмоқда. 200 дан зиёд талабанинг дуал таълим асосида таҳсил олаётганини ана шу ҳамкорликнинг амалдаги ифодасидир.

Амалиёт учун ҳақ тўлаш ҳам муҳим янгиликлардан бири. “Indogama Agro”да амалиёт ўтаган 30 талаба ўзи кўникмаларини ошириш билан бирга ҳар бири 3 миллион 524 минг сўмдан маош олди. Бу ерда маблагнинг ўзи муҳим эмас. Муҳими, меҳнат қадрлана бошлади. Талаба энди амалиётни мажбурият деб эмас, биринчи иш жойи сифатида қабул қилмоқда. Бу эса меҳнат бозори психологиясини ўзгартирувчи асосий қадамдир.

“Йўл курсангиз, ўн йилликка хизмат қилади. Инсонга сармоя киритсангиз, юз йилликка” деган ибора бор. Бу фикрнинг амалий ифодасини “Келажакка қадам” дастуринда ҳам кўриш мумкин.

Бир йил аввал ушбу дастурдан 84 талабамиз фойдаланган бўлса, яқунланган ўқув йилида уларнинг сони 254 нафарга етди. Демак, бир йил ичида ўсиш қарийб уч баравар бўлди. Кредитлар ҳажми ҳам 4,5 миллиард сўмдан 6,8 миллиард сўмгача ошди. 338 талабанинг бизнес лойиҳаси учун 11 миллиард 428 миллион сўм ажратилди.

Меҳнат бозорининг талаби

Хорижий университетлар ва компаниялар билан ҳамкорлик фақат меморандум имзолаш билан чекланса, барчаси қозғоларда қолиб кетаверади. Университет фаолиятига назар ташласак, имзоланган ҳар бир келишувни амалиёт билан бойитишга интилиш кўзга ташланади. Агар 2025 йил якунига қадар 20 га яқин хорижий университет билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, бугун уларнинг сони 25 тага етди. Энг муҳими, бу алоқалар талабалар алмашинуви, қўшма тадқиқотлар, академик мобиллик ва илмий анжуманлар орқали мазмун касб этмоқда.

Замонавий университетни аудиторияга таклиф этилган олимларсиз тасаввур қилиш қийин. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида Польша, Венгрия, Беларусь, Хитой, Россия, Туркия, Малайзия, Қозоғистон каби давлатлардан 68 дан ортиқ профессор ва мутахассис

университетимизга ташриф буюрди. Халқаро тажриба фақат чет эллик олимларни таклиф қилиш билан чекланмайди. Университет профессор-ўқитувчилари ҳам хорижга чиқиб, илгор тажрибани ўрганмоқда. Бу йилнинг ўзида 93 профессор-ўқитувчи ва раҳбар ходим Германия, Испания, Польша, Венгрия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда малака оширди. Бунинг натижаси аудиторияларда янги педагогик ёндашувлар, замонавий лабораториялардан самарали фойдаланиш ва халқаро талабларга мос ўқитиш усулларида намоён бўлмоқда.

Ҳар қандай университет учун халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш фақат нуфуз масаласи эмас. Бу таълим сифати, илмий салоҳият ва бошқарув тизимининг баҳосидир. Шу нуктаи назардан, Қарши давлат техника университетининг “Times Higher Education Impact Rankings” рейтингиде БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича баҳоланиб, дунё университетлари орасида 1500+ тоифасидан ўрин олгани эътиборга молик. Бу ҳали энг юқори чўққи эмас, аммо тўғри йўналиш танланганининг муҳим белгисидир. Яқинда Европа Комиссияси Erasmus+ дастурининг 2026 йилги “Erasmus Mundus Joint Masters” (EMJM) танлови натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Қарши давлат техника университети жорий йилда “Erasmus Mundus” қўшма магистрлик дастури асосида молиялаштириш учун танлаб олинган университетлардан бири бўлди.

Бугунги талаба эртанги кунда нафақат маҳаллий, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам рақобатлаша олиши лозим. Шу боис, академик мобиллик дастурларининг аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. 2025/2026 ўқув йилида 11 талаба Erasmus+ KA171, Словакия миллий стипендия дастури ҳамда Жанубий Корея ва Хитой грантлари орқали хорижда таҳсил олиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у фақат аудитория деворлари ичида қолиб кетмаяпти. Малайзиянинг Петронас техника университети билан ҳамкорликдаги “Salom, Qarshi!” лойиҳаси доирасида талабалар томонидан Қарши туманидаги Гулшан маҳалласида қуёш панеллари ва қуёш энергиясида ишловчи сув насослари ўрнатилди. Илм-фаннинг ҳақиқий қадри ҳам одамлар ҳаётини енгилаштириш, жамиятга амалий фойда келтиришдир.

Албатта, халқаро даражага чиқиш молиявий кўллаб-қувватлашсиз бўлмайди. Erasmus+ NEMUA лойиҳаси доирасида жалб қилинган



32 минг доллардан ортиқ қўшма маблағлари ва Германиянинг “Prosa” компанияси томонидан тақдим этилган 100 минг долларлик замонавий Smart панеллар университет моддий-техника базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу каби инвестициялар инсон капиталига киритилган сармоя ҳисобланади.

Эътиборли томони университетнинг би-тирувчини фақат диплом билан эмас, касбий

тажриба билан ҳам таъминлашга интилаётганидир. “Work and Travel” дастури орқали 105 талабанинг Болгарияда ишлаб, халқаро меҳнат муҳитини кўриши ёки Германия компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган марказ орқали минглаб ёшларни чет тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш режаси бунинг амалий исботи. Бугун меҳнат бозори айнан шундай кўникмаларни талаб қилмоқда.

Маънавиятли китобхон ёшлар

Қарши давлат техника университетида амалга оширилаётган ишларга назар ташлангансиз, бир муҳим жиҳатга ғувоҳ бўласиз: бу ерда фақат диплом эмас, дунёқараш ҳам шакллантирилмоқда.

Бугун университетда ўндан ортиқ тўғарақ фаолият юритмоқда. Муҳандислик илмий-ишлаб чиқариш маркази (Fab-lab)даги робототехника, сунъий интеллект, дизайн, электр пайвандлаш, архитектура сингари тўғарақлар ёшлар касбий маҳоратини ошириш учун ташкил этилган бўлса-да, аслида, уларнинг вазифаси бундан анча кенг. Чунки ҳар қандай иқтидор, аввало, қизиқишдан бошланади. Тўғарақлар эса айнан шу қизиқишнинг кашфиётга айлантирадиган ижодий майдон.

Бугун робот асган талаба эртага янги технология муаллифига айланиши, кечагина Fab-lab устахонасида биринчи тажрибасини ўтказган ёш муҳандис эртага ўз корхонасини ташкил қилиши мумкин. Университет ана шу имконият эшигини очиб бермоқда.

Китоб ўқиган муҳандис билан фақат форма ёлган муҳандиснинг тафраккури ўрта-сида катта фарқ бор. Шу боис, университетда “Бир ойда бир китоб”, “Асардан иқтибос” каби лойиҳаларнинг мунтазам ўтказилаётгани тасодиф эмас. Бу танловлар фикрни шакллантириш учун хизмат қилади.

Спортдаги натижалар ҳам ўзига хос. Биргина 2025/2026 ўқув йилида университет талабалари турли мусобақаларда қиймати 400 миллион сўмдан ортиқ мукофотларни кўлга киритди. Бу маблагнинг ўзи эмас, унинг ортидаги меҳнат қадри. Чунки ҳар бир медаль ортида юзлаб машғулотлар, минглаб соатлик машаққат бор.

Муҳандислик ҳам худди шундай. Катта ихтиро бир кунда тугилмайди. Унинг ортида, сабр, интизом ва меҳнат ётади. Шу маънода спорт аудиторияда шаклланмайдиган фазилатларни тарбиялайди.

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида бир гуруҳ талабалар ободонлаштириш ишларида қатнашмоқда. Яна бир қисми маҳаллаларда ёшлар билан ишламоқда. Кимдир экологик акцияларда иштирок этмоқда. 300 дан ортиқ волонтер талаба маҳаллаларда кибержиноятчиликка қарши тарғибот ишларида қатнашди.

Қарши туманидаги Гулшан маҳалласида амалга оширилган ишлар эса университет фаолиятининг яна бир муҳим қиррасини очиб беради.

Одатда олимлар муаммони ўрганади. Бу ерда эса улар муаммони ҳал қилишга киришиди. Маҳалладаги имкониятлар илмий асосда таҳлил қилинди. Аҳолига даромад манбалари бўйича амалий тавсиялар берилди. Натижа эса рақамларда касб этди. Қисқа вақт ичида маҳалладаги камбағаллик даражаси 9 фоиздан 4 фоизгача камайди. Айни дамда туманининг Дашт маҳалласида ана шундай хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Замон тез ўзгармоқда. Бугун университет таллаётган ёшлар аслида ўз келажакини танламоқда. Шу маънода, Қарши давлат техника университетидаги илохотлар нафақат



таълим муассасаси нуфузини оширишга, балки ёшларнинг орзуларига кенг йўл очишга хизмат қилмоқда. Университетнинг бугунги қадамлари унинг эртанги халқаро маққенини белгилаши шубҳасиз. Зеро, орзуларга элтувчи энг ишончли маскан дунё билан ҳамнафас яшайдиган, илм-фан ва инновацияни ўз тараққийотининг асосига айлантирган замонавий университетдир.

ОБОДЛИК ВА МЕХР-САХОВАТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ



Президентимиз раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Беруний туманида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Муносабат

Хусусан, туман маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Кўчалар тартибга келтирилиб, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Худудлардаги чиқиндилар олиниб, дарахтларга ишлов берилляпти. Гул ва манзарали дарахтлар экилмоқда. Шунингдек, жамоат жойлари, ижтимоий соҳа объектлари ва маҳаллалар худудини янада фазйли ва шинам ҳолатта келтириш бўйича ҳашарлар уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Аҳоли билан ўтказилаётган мулоқотлар, сайёр қабуллар ва депутатлик назорати тадбирларида илохотларнинг ҳақиқий баҳоси одамларнинг ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар билан ўлчанишига бот-бот амин бўляпти. Бугун биз Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида бирлашиб, юксак марраларга эришялмиз. Бу йўлда ҳар бир фуқароннинг фаолияти, ташаббускорлиги ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ана шу бирдамлик ташкил этилаётган ҳашарларда яққол кўзга ташланмоқда. Халқимиз юрт ободлиги йўлида бирлашиб, кўчалар, маҳаллалар, ижтимоий соҳа объектлари, қабристонлар, ариқлар, ички йўллари

тартибга келтиряпти. Шунингдек, худудларда Президентимиз видеоселектор йиғилишида белгилаб берган устувор вазифалар ижроси юзасидан амалий ишлар бошланган. Маҳаллаларни обод ва ҳавфсиз ҳудудга айлантириш, “Энг ораста хонадон”, “Энг фазйли ҳовли”, “Энг обод кўча” ва “Энг намунали маҳалла” танловларини муносиб ташкил этиш, ижтимоий ҳўмовни кучайтириш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларида кенг кўламли ишларга старт берилди. Бошланган ишлар эса халқимиз кайфиятини янада кўтарди. Юртдошларимиз бугун мамлакатимиз етакчисининг қаққиринига лаббай дея жавоб бериб, маҳаллалар фазйи, ватан ободлиги учун ҳисса қўйиш иштиёқида яшамоқда.

Раҳима ЙўЛДОШЕВА,
Халқ депутатлари Беруний
тумани кенгаши депутати

2026 йил 1 август,
155-сон

6

МЕЗОН

Марказ экспозицияларида жамланган 1,5 мингдан ортиқ экспонат, 800 дан зиёд кўлэзма миллат хотирасининг тирик ҳужжатларидир.

www.yuz.uz

f yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news

Шукуҳ

Аҳолиси қарийб 40 миллионга яқинлашётган юртимиз географик жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил этади, таъбир жоиз бўлса, юраги ҳисобланади. Дунёдаги энг қадимги цивилизациялардан бири ушбу минтақада пайдо бўлган, Буюк ипак йўли ўтган. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб такалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади.

ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ
НОЁБ МАСКАН

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешиклари-дан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табарруқ тупроқдан буюк алломалар, фоизи фузалолар, олиму уламолар, саркардалар, сиёсатчилар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмлар асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамингача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу пайтгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунарамдлик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради.

Бугун инсоният тараққиёти икки қарама-қарши куч — маърифат ва жаҳолат ўртасида кечаётган мураккаб кураш майдонига айланди. Ахборот оқимлари тезлашган, қадриятлар чалкашган, тарихий хотира заифлашётган бир пайтда ҳар бир миллат ўз илдизларига қайтиб, ўз-лигини англашга мажбур. Ана шундай ҳал қилувчи даврда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилиши аждодларимиз қолдирган илмий ва маданий меросни чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни кенг жамоатчиликка танитишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг марказ очи-лишидаги нутқи эса нафақат тантанали сўз, балки янги Ўзбекистоннинг маънавий стратегияси, тарихий хотира ва келажак ўртасидаги узвий боғлиқлиқни ифодаловчи концептуал дастурдир. Марказ “жонланган тарих”дир. У музей эмас, балки миллатнинг кўп асрлик тажрибаси,

темурийларгача бўлган даврларни қамраб олган нодир манбалар бор. Масалан, насх хатида кўчирилган, XII-XIII асрларга оид Қуръон, XVII аср сафавийлар даври нусхалари ёки 1589 йилда яратилган “Бозубанд” кўлэзмаси санъат, илм ва эътиқод уйғунлиги намунаси саналади.

Марказнинг “қалби” ҳисобланган Қуръон зали эса алоҳида таҳлилга молик. Ушбу зал Президентимиз томонидан илгари сурилган муаллифлик гоёси асосида барпо этилди. Залнинг умумий майдони 1200 квадрат метрни, баландлиги эса 64 метрни ташкил этади. Зал пушти рангли қимматбаҳо мармар

замин, илоҳийлик ва инсон тафаккури ўртасидаги раъсий мулоқотни ифода этади.

Марказнинг яна бир ўзига хос жиҳати — замонавий технологик ечимлар асосида жиҳозлангани. Экспонатларнинг рақамлаштирилиши, QR-кодлар, аудио ва видеоғидлар, ҳатто кўзи ожиз инсонлар учун мўлжалланган махсус тизимлар “ҳар ким учун очик музей” концепцияси ҳаётга таъбиқ этилаётганини кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳат — марказнинг илмий платформаси. Бу ерда халқро ташкилотлар, жумладан, турли тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани уни глобал илм-

қилувчи даврда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилиши аждодларимиз қолдирган илмий ва маданий меросни чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни кенг жамоатчиликка танитишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг марказ очи-лишидаги нутқи эса нафақат тантанали сўз, балки янги Ўзбекистоннинг маънавий стратегияси, тарихий хотира ва келажак ўртасидаги узвий боғлиқлиқни ифодаловчи концептуал дастурдир. Марказ “жонланган тарих”дир. У музей эмас, балки миллатнинг кўп асрлик тажрибаси,

“ Ислом цивилизацияси маркази янги Ўзбекистоннинг маънавий юраги, тарихий хотираси ва интеллектуал компасидир. У ўтмишни сақлаш билан чекланмай, келажакни шакллантиришга хизмат қилаётган ноёб макондир.

маънавий изланишлари ва интеллектуал парвозини мужассам этган тирик организмдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу мажмуа “етти эмас, етмиш марта ўйлаб, узокни кўзлаб, тинимсиз изланиш” натижасида қурилди. Бу ибора шунчаки метафора эмас, балки ҳар бир гиштига масъулият, ҳар бир бурчида маъно юкланган улкан лойҳанинг моҳиятидир. 10 гектар майдонда барпо этилган, гўмбаз 65 метрга бўй чўзган бу иншоот замонавий архитектура билан миллий рух уйғунлигининг ёрқин намунасидир.

Марказ экспозицияларида жамланган 1,5 мингдан ортиқ экспонат, 800 дан зиёд кўлэзма миллат хотирасининг тирик ҳужжатларидир. Улар орасида сомониёлардан тортиб

билан қопланган бўлиб, энг қимматли гавҳари, албатта, муҳтарам ва муқаддас Қуръони Карим — Усмон Қуръонидир.

Бу ноёб нусха учинчи халифа Усмоннинг бевосита фармони асосида яратилган. Ҳозирги кунда у ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилган. Ушбу муқаддас Қуръон атрофида Қуръоннинг яна 114 та нодир нусхаси сақланмоқда — улар орасида сомониёлар, қорахонийлар, салжұқийлар, ғазнавийлар, темурийлар, шайбонийлар даврида кўчирилган нодир мушафлар бор.

Усмон Мушхадди нафақат ислом олами, балки бутун инсоният цивилизациясининг нодир ёдгорликларидан бири. Гўмбаз остидаги юдузлар харитаси, 90 та “Swarovski” тоши билан безатилган композиция бу — осмон ва

фан ҳабиға айлантирмоқда. Кутубхонадаги 45 мингдан зиёд китоб, 350 минг электрон манба келажак авлод учун билим хазинасидир.

Юртимизда ривожланган давлат ва эркин жамият пойдеворини барпо этиш учун “Энг аввало, илм ва таълим” деган олий мақсад ҳаётга жорий этилмоқда. Zero, муқаддас ислом дини ҳам инсонни доимо илму маърифатга даъват этади. Шу боис, Ислом цивилизацияси марказининг Ўлугбек дарвозаси пештоқиға Қуръони каримнинг “Иқро!” — “Ўқи!” деган муборак ояти муҳрлаб қўйилгани раъсий ва теран маънога эга.

Ислом цивилизацияси маркази янги Ўзбекистоннинг маънавий юраги, тарихий хотираси ва интеллектуал компасидир. У ўтмишни сақлаш билан чекланмай, келажакни шакллантиришга хизмат қилаётган ноёб макондир.

Анваржон АЛИЕВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси аъзоси

Мулоҳаза

Инсон учун ҳар тонг янги умидлар, янги орзулар ва янги режалар билан бошланади. Шаҳар уйғонади. Кўчаларда ҳаёт қайнайдми. Кимдир ишга, кимдир ўқишга, яна кимдир муҳим учрашувга шошилади.

Мен ҳам ҳар куни эрталаб минглаб инсонлар қатори йўлга чиқаман. Аввал автобуста ўтирман, кейин метрога чиқаман. Ана шу кунлик сафарлар давомида турли одамларни, турфа феъл-атворларни, хилма-хил муносабатларни кўраман, кузатаман. Баъзан оддийгина бир хушмуомалалик кайфиятимни кўтаради. Айрим ҳолларда эса эрталаб бошланган беписандлик ёки одобсизлик кун бўйи кўнгилни хира қилади.

Жамоат транспортини кўпчилик оддий ҳаракат воситаси деб билади. Аслида эса у жамиятнинг ҳақиқий юзи намён бўладиган майдон. Автобус, метро ёки бекатдаги манзараларга назар ташласангиз, одамларнинг маданият ҳақидаги бандлиқларини нутқларидан кўра кўпроқ хулоса чиқариш мумкин. Чунки инсоннинг кимлиги йиғинларда айтган гапларида эмас, балки бошқалар билан муомаласида кўпроқ билинади.

Хар куни автобус бекатларида бир хил ҳолат такрорланади. Одамлар транспорт кутади, аммо автобус кўриниши билан тартиб ҳам, сабр ҳам қаергадир ғойиб бўлади. Бир неча дақиқа олдин хотиржам турганлар бир зумда олдинга отилади. Навбат ҳақида гапиришнинг ўзи кулгили туюлади. Ҳар ким ўзини бошқалардан устун қўйишга, биринчи бўлиб автобуста чиқишга интилади. Гўёки биринчи чиққан одамнинг ҳаёти кескин ўзгариб кетадигандек.

Энг ачинарлиси, кўпчилик бу ҳолатни одатий деб қабул қилиб бўлган. Туртиш, суқилиб кириш, бошқаларнинг ҳуқуқини поймол қилиш айримлар учун кундалик одатга айланган. Ҳолбуки, бир неча сония кутиш ҳеч кимни ҳалокатга олиб бормайди. Аммо маданиятсизлик бутун муҳитни заҳарлайди. Бир кишининг бефарқлиги ўнлаб одамлар кайфиятини бузади.

Автобус ичига киргач ҳам аҳвол ўзгармайди. Ёши улуг инсонлар тик турган бўлса-да, баъзи ёшлар ўзини ҳеч нарса кўрмаётгандек тутаяди. Қўлоқчин тақиб, телефонга ёпишиб олган бу инсонлар атрофида ким турганини кўришни ҳам истамайди.

Улар учун шахсий қулайлик бошқалар эҳтиёжидан муҳимроқдек. Ваҳоланки, ҳар куни банд минбарларда туриб ёшлар тарбияси ҳақида гапираман. Тарбия ҳақидаги гаплар билан амалдаги муносабат ўртасидаги фарқ ана шундай вазиятларда аққол кўринади.

Метрода ҳам шунга ўхшаш манзара кузатилади. Ёшиқ очилиши билан баъзилар тушаётганларга йўл бериш ўрнига ичкарига ёпирилади. Натижада одамлар бир-бирига урилади, асабийлашади, вақт ҳам йўқотилади. Энг қизиги, бу ҳаракатнинг мантисий асоси йўқ. Аввал одамлар тушиб олса, кириш осонроқ бўлишини ҳамма билади. Аммо бу пайтда сабрсизлик ақлдан устун келади.

Яна бир огрикли масала — жамоат жойида ўзини тутиш маданияти. Автобус ёки метро салоидида шундай одамлар учрадики, уларнинг телефондаги суҳбатини бутун вагон эшитиб туради. Гўёки атрофида ҳеч ким йўқдек. Бошқаларнинг осойишталиги, тинчлиги ёки шахсий ҳудуди ҳақида ўйлаш уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Бу нафақат одобсизлик, балки жамоатта нисбатан ҳурматсизлик, аслида,

Тозалик масаласида ҳолат кўпинча кўнгилни хира қиладиган даражада. Жамоат транспортаридаги энг оддий қондалардан бири — атрофи ифлос қилмаслик айрим йўловчилар учун гўёки умуман мавжуд эмас. Чикиндини қўлда ушлаб туриш, уни тегиш-ли жойга ташлаш ёки кейинроқ ташлаб қўйиш ўрнига баъзилар уни бемалол ўриндиқ остига, ерга ёки яшириш мумкин бўлган ҳар қандай бурчакка ташлаб кетади. Энг ачинарлиси, бу хатти-ҳаракатдан кейин зозага келган ифлос муҳитда бошқалар ўтиришга, нафас олишга мажбур бўлади.

Бу ерда муаммо фақат битта қоғоз ёки битта чикиндида эмас. Муаммо шу одатни оддий ҳолат сифатида қабул қилишда. Чунки бир марта ташланган чикинди воқеаси кейинчалик эътиборсизлиқни одатга, одатни эса умий бефарқликка айлантиради. Транспорт ичидидаги тозалик бўзилса, бу фақат эстетик муаммо эмас, балки умумий маданият ҳам сийқалашаётганини кўрсатади. Ачинарли жиҳати шундаки, одобсиз ҳаракатларни қилувчилар кўпинча ўз шахсий ҳаётида бундай бепарволикка йўл қўймайди. Улар ўз уйида, ўз хонасида тартиб ва тозаликни сақлайди, чикиндини қаерга ташлашни яхши билади.

Лекин жамоат жойига келганда бу масъулият хисси йўқолиб қолади.

Демак, муаммо билимда ҳам, имкониятда ҳам эмас, муносабатда. Яъни “меники эмас, менга алоқаси йўқ” деган қараш устун бўлган жойда умумий муҳит тезда эътибордан чиқаяди ва секин-аста ифлосликка кўникиш бошланади.

Баъзан жамиятнинг яна бир муаммоси — бефарқлик кўзга ташланади. Бу ҳолат кўз олдингизда ёрдамга муҳтож инсон турганида ҳам кўпчиликнинг гўё ҳеч нарса бўлмаётгандек четга чиқиб кетиши, ўзини кўрмаганга олиши билан намён бўлади.

Қўлида огир юк кўтарган аёл, ёши улуг инсон ёки имконияти чекланган фуқаро ёрдам кутиб турган пайтда атрофдагиларнинг бефарқлиги кўнгилнинг ранжитади. Бундай вазиятларда оддий инсоний муносабат ўрнини бепарволик эгаллайди. Ҳеч ким тўхтамайди, ҳеч ким аралашмайди, гўё бу вазиятда ҳар бир киши фақат кузатуви. Вақт етишмаслиги, шошилинч ишлар ёки “бошқалар ёрдам берад” деган ўйлар ортига яширинган бу муносабат аста-секин одатга айланади.

Бутун кўпчилик ҳар қандай кўпчиликни “вақт йўқ” деган баҳона билан оқлашга уринади. Гўё шошилинч инсонни одоб қондаларидан озод қилиб қўядигандек. Аммо ҳақиқат шуки, вақт танқислиги ҳеч қачон маданиятсизлик учун асос бўла олмайди. Ишга кечикаётган одам ҳам бошқаларни туртиб ўтмасдан ҳаракат қилиши, автобус ёки метрода ўзини босиб туриши мумкин. Бандлик ҳеч кимни атрофдагиларни эътиборсиз қолдиришга мажбур қилмайди.

Муаммо вақтда эмас, уни бошқариш ва муносабатда. Кўп ҳолларда одамлар шошилинчи ўзини оқлаш учун қўлай қалқонга айлантириб олади. Лекин шошилган ҳолатда ҳам инсон ўзини тута билиши керак, агар у ҳақиқатан ҳам бошқаларни ҳурмат қилишни хоҳласа. Акс ҳолда, “вақт йўқ” деган гап фақат одатий бепарволикни яшириш учун ишлатиладиган оддий иборатга айланади.

Биз кўпинча юксак маънавият ҳақида гапираман, лекин унинг энг оддий кўринишлари айнан автобус ва метро каби жойларда етишмайди. Жамиятдаги катта муаммолар ҳам кўп ҳолларда ана шундай кичик бефарқликлардан бошланади. Агар ҳар ким фақат ўз манфаатини ўйлашда давом этса, ҳеч қандай тараққиёт ёки юксалиш ҳақида гапириш бефойда. Ҳурмат, тартиб ва масъулият эса ҷақриқлар билан эмас, кундалик одатларга айлангандагина қадрият ҳисобланади.

Бахтиёр САМИЕВ,
Ўзбекистон театр арбоблари
уюшмаси ҳодими

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846. 29345 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуришд Абдуллаев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎЗА якуни — 02:25 Топирилди — 02:35
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Қабулхона: (71) 233-56-33 Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05	Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60	“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.